

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БАРКАМОЛ  
АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСТУВОР  
ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**илмий-амалий конференция материаллари**

**2017 йил 17 май**

Шамуратов О.	Мустақил ишларни ташкил этиш шакллари	302
Абдурахманова Н.Х.	Ахборот асри шароитда давлат суверенитетини сақлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари	303
Абдурахманов К., Уралов Ш.	Соғлом оилани шакллантиришда аҳолининг тиббий маданияти	305
Искандаров Ш. А.	Этнос билан боғлиқ илмий-назарий ёндашувлар	306
Jo'rayev U.O.	Novogalen preparatlari va ularni ishlab chiqarish texnologiyasi	307
Isaqova X., Alimova S.G'.	Tarix fanini o'qitish jarayonida millatlararo munosabatlarni shakllantirish	309
Абдурахманова Н.Х.	Инсон ҳуқуқлари - фуқаролик жамиятинининг асоси	310
Абдурахмонов У.А.	Баркамол авлодни тарбиялашда оилада белбоғли кураш машғулотларини аҳамияти	311
Abdurahmonov U.A.	Jismoniy va ma'naviy barkamol avlodni tarbiyalashda oila va ijtimoiy muhitning o'rnini	313
Исақов Ж.	Тасвирий санъат ўқитувчисининг илмий методик таҷрибалик даражасини ошириш	314

**Маъзул муҳаррир:** маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор,  
педагогика фанлари номзоди **Ш.Э. Нейматов**

**Тўпламда чоп этилган мақолаларнинг гоёси, илмий-методик салоҳияти ва унда  
келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгардирлар.**

Адади 100 нусха. 20,25 б/т. Бичими 60x84 1/16  
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулда босилди  
«**BROK CLASS SERVIS**» Босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳар Заргарлик кучаси, Сеттэбоева 10а.

киритилишининг моҳияти шундаки, имонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила қуриш, унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши йўлида қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса ёки ота-она бўлиш масъулияти кучли бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғ-саломат қилиб вояга етказиш, тўғри тарбия бериш шунчалик масъулиятли ва мажбурий ишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит ва қиз ёки уларнинг ота-оналари янги оила қуриш ишини масъулиятли деб англасалар, никоҳга кирувчиларнинг пушти ва насли нуктаи назаридан соғ-саломатлигига ишонч ҳосил қилиш шунчалик зурурдир. Тиббий кўриқдан ўтган ҳар икки ёш энг аввало ўз виждони олдида тоза бўлади. Ҳали оила қурмай туриб, унинг саломатлиги ҳақида қайғуриш ҳар бир ёш учун муқаддас оила ва никоҳ муносабатларига нисбатан чуқур масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга кўра, барча фуқаролар ФХДЕ органларига никоҳга кириш учун ариза бергач, тиббий кўриқдан ўтиш учун йўланма олишлари ва белгиланган тартибда ўз саломатликларини текширтириб кўришлари шарт. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешта асосий хасталик — сил, тери-таносил, гиёҳвандлик, ОИВ касаллиги (СИТС), руҳий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу бешта касаллик бевосита наслга таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтганда никоҳ олди тиббий кўриқдан онгли равишда ўтиш, саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга, оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, болалар спорти, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом яшаш тарзи кўникмаларини шакллантириш миллатни жисплаштирувчи, наслни покловчи, давлатни кучли қилувчи омиллардир.

## ЭТНОС БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЕНДАШУВЛАР

### Ш. А. Искандаров, Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Миллий ўзлиқни англаш бугунги ривожланиб бораётган жамиятда янгича илмий-назарий мактабларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Бу маданият тараққиётининг турли босқичларига мос келадиган халқлар психологиясида турли тафовутлар мавжудлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Маълумки, “этнос” атамаси илк бор қадимги юнон тилида келиб чиқиши кчон бўлмаган аҳолига нисбатан қўлланилган. XIX асрдан бошлаб эса “этнос” атамаси “халқ” маъносиде ишлатилади. Немис этнологи А. Бастиан халқ ва этнос тушунчаларини синоним сифатида талқин қилган ва этниклик деганда халқнинг маданий ўзига хос киефасини тушунган. Этник бирликлар ва муносабатларнинг турли шаклларини англайш учун этнос сўзи воситасида хосил қилинган *этник гуруҳ*, *этник жараён*, *этнослараро муносабатлар*, *этник ўзига хослик*, *этник ўзлиқни англаш* каби иборалар қўлланиди “Этник хусусийлик нималардан иборат?”, “Этник моҳият нима?” деган саволлар бугунги кунда кўпчиликни қизиқтирмоқда<sup>32</sup>.

Хорижий адабиётларда “этнос” ўз-ўзини англавчи кишилар бирлиги” сифатида қаралади<sup>33</sup>. Шунингдек, этнос “ўзини жамоавий ҳолда ва беихтиёр маълум бир кадриятлар асосида умумлаштирувчи шахслар мажмуидир”<sup>34</sup>. Ўз навбатида айгиб ўтиш ўринлики, этнос инсонларнинг иродаси таъсирида эмас, балки тарихий жараёнлар таъсирида пайдо бўлади. Шунинг учун ўзаро фарқ қилувчи “биз-улар” антигезиси асосий рол ўйнайди. Баъзида этносларнинг бир-биридан фарқ қилиши этник бирлик моҳиятини аниқлашга нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга, деб таъкидланади. Этносни гашки чегараловчи хусусиятлар унинг ички тарафидан ҳам яхлитлигининг ифодасидир. Лекин этник бирликнинг ўзига хос жиҳати

<sup>32</sup> Садехан А. П. Этнология: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. – М.: Гардарики, 2004. – С. 32.

<sup>33</sup> Muhlmann W. Rassen, Ethnien, Kulturen. Berlin, 1964. – S. 57.

<sup>34</sup> Maget M. Problems de ethnographie europeen. – ethnologie generale. – Paris, 1968. – P. 326.

унинг ўзаро бир-бирдан ажралиб туришдир Шу этносни дифференцияловчи типик белгилар эса унинг ташқи гомонида кўрилади.

Ю. В. Бромлейнинг фикрича, этник ўзлиқни англаш мазкур этнос вакилларининг ўзига хос гуруҳ бирлигини англаш, ҳудудий, она тили тўғрисидаги умумий тасаввурларининг ифодаси, маданият, руҳиятининг ўзига хос ажралиб турадиган хусусиятлари ҳамда ушбу жамоага қирадиган, умумий пайдо бўлиши, тарихий тақдир ҳақидаги умумий тасаввурларида мавжуд ҳисобланади<sup>35</sup> Этник ўзлиқни англаш ҳар бир халқнинг яшаш, турмуш тарзида намоён бўлади. В. Ф. Генн этник белгиларни этнос уюштирувчи этник омиллардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томони шундаки, улар доим этник маъно ва мазмун касб этади<sup>36</sup>, – деб таъкидлайди. Этносни уқаштирувчи объектив омиллarga у ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлигини киритиб, булар этник муносабатлар ва этник онгнинг тўғилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайди.

Этнограф олимлар Л. П. Лошук ва П. К. Козловлар тил этник бирлик шаклланишининг муҳим шартидир, тил нафақат этник омил, балки этник белги ҳамдир, деб ҳисоблайди<sup>37</sup>. Аммо этногенез масалалари билан шугулланувчи қатор олимлар тилини этник омилга киритмасдан, тил фақат этник белгидир, дейдилар<sup>38</sup>. Юқоридаги муаллифларнинг илмий тадқиқот ишларида этноснинг ўзига хос хусусияти тил бирлиги, номи, этномаданий бирлик ва этник ўзлиқни англаш бирлигига қатъа аҳамият қаратилган. Тил этник ўзлиқни англашда муҳим омиллardan бири ҳисобланади Бирок ҳар бир халқнинг этник ўзлигини англашда унинг тарихий хотираси ва этномаданий жараёни муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонлик олим В. Қўчқоров ўзининг илмий тадқиқот ишларида этник ўзлиқни англаш ва барқарорлик тараққиётига доир қарашларни илгари сурган. Этник ўзлиқни англаш ҳар бир халқнинг этномаданий алоқаси ва савдо-соғик ижтимоий ҳарактерига эга ҳисобланади. Жумладан, “миллий” ва “ўзлиқни англаш” тушунчалари кўпгина таҳлилий ҳамда танқидий муносабатларнинг шаклланишига олиб келган. “Миллийлик” тушунчаси ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинганда, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти мобайнида маълум бир миллат, элатнинг тил, жойлашган ҳудуди, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, психологик ҳолати ва дунёқараш тузилмасини ўзида акс эттирган мураккаб воқелик сифатида намоён бўлади<sup>39</sup>.

**Хулоса** қилиб айтганда, Айниқса, XX асрнинг бошларидан бoshлаб Ўрта Осиё ҳудудидаги араблар тарихини ўрганиш ва уни тадқиқ этишга киришилди. Шунинг натижасида араблар тарихшунослиги маълум даражадаги адабиётлар асосида ёритилди. Бирок, кейинги вақтларга келиб бу масала араб тарихшунослиги билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларида ёрилган.

## NOVOGALEN PREPARATLARI VA ULARNI ISHLAB CHIQRISH TEKNOLOGIYASI

U.O. Jo'rayev, TTA Davolash fakulteti 2 kurs talabasi

Novogalen preparatlari XIX-asr oxirida Germaniya va Fransiyada ishlab chiqarila boshlandi. O'sha vaqtlarga kelib, yurak qon tomiri kasalliklarida o'simliklardan olingan dori turlarini ishlatish imkoniyatlari qidirila boshlandi, lekin nastoyka va ekstraktlar ta'sir etish tezligi bo'yicha bu talabga javob bera olmas edi. SHuning uchun ularni in'eksion dori turi sifatida ishlatish dolzarb masalaga aylanib qoldi. Bizda yurak glikozidlari saqlovchi preparat adonilen birinchi marta 1923 yilda ishlab chiqarildi Keyinchalik ishlab chiqarish texnologiyasi takomillasha borib, boshqa gurux biologik faol moddalar saqlovchi dorivor o'simliklardan novogalen preparatlari ishlab chiqarila boshlandi. Ular dorivor o'simliklardan olingan bo'lib, o'z tarkibida ta'sir qiluvchi ioddalar majmuasini tabiiy

<sup>35</sup> Бромлей Ю. М. Этнические процессы в современном мире. Россия. – М.: Ноэлит, 1999. – С. 6.

<sup>36</sup> Генн В. Ф. Этнический процесс в первобытности. – М.: Свердловск, 1970. – С. 23.

<sup>37</sup> Лошук Л. П. О формах донациональных этнических связей // Вопросы истории. – М., 1967. – № 4. – С. 80; Козлов В. И. Динамика численности народов. – М.: Наука, 1969. – С. 26–28.

<sup>38</sup> Крюков М. В., Софроня М. В., Чебоксаров Н. М. Древние Китайцы: проблемы этногенеза – М.: Наука, 1978. – С. 4

<sup>39</sup> Қўчқоров В. Миллий ўзлиқни англаш ва барқарор тараққиёт. – Т.: Akademiya, 2013. – Б. 20–21.